

КОРХОНА КУНИ

2018 йил 10 апрел куни «Daewoo Textile» МЧЖ марказий офис биносининг олдида Корхона ташкил бўлганининг 22 йиллиги муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Корхона президенти, жаноб Ким Ил У табрик нутқи билан иштирок этиб, ишчи-ходимларни Корхонанинг 22 йиллиги билан табриклади, шунингдек, барча ишчи-ходимларга машаққатли меҳнатлари учун миннатдорчилик изҳор этди.



Корхонамиз Президенти ўз нутқида Дэу Текстиль корхонасининг ташкил этилганлигига 22 йил, жумладан корхонанинг Фарғона шаҳридаги фаолиятига 11 йил бўлганлигини, Бухоро фабрикаси эса бу йил иккинчи мартаба корхона кунини нишонлаётганини таъкидлади ҳамда қуйидаги масалаларга эътибор берди:



2018 йил бизнинг корхонамиз учун салмоқли йил бўлди. Ушбу йил мобайнида янги натижаларга эришилди. Жумладан жорий йилда Фарғона фабрикаси учун олинган лизинг қарздолликнинг асосий қисми ҳамда Бухоро фабрикасининг Кореянинг ЭКСИМ банкидан олган кредит қарздорлиги тўлаб тугатилади.

Келгуси йилдан бошлаб маблағларимиз ликвидлиги яхшиланишини инобатга олган ҳолда келгуси режаларни белгилаб олиб, ўз маблағларимизни қандай сарфлашимиз кераклиги ҳақида ўйлашимиз зарур.

Ходимлар ишга келиб кетиш вақтида юзага келиши мумкин бўлган хавфсизлик ходисаларини олдини олиш мақсадида Фарғона фабрикасида юк автомобиллари учун янги турар жой қурилмоқда.

Тоза меҳнат муҳитини яратиш ва санитария шароитларини таъминлаш мақсадида корхонамизда 2017 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Фарғона йигирув ва туқув фабрикаларида жами 16та хожатхона капитал таъмирлаш ишлари якунига етказилди, жорий йилнинг Март ойидан бошлаб Тошлоқ ва Қумтепа фабрикаларидаги жами 19та хожатхоналарни таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ходимларнинг бирдамлигини ва соғлигини яхшилаш мақсадида корхонамиз томонидан спорт мусобақалари амалга ошириб келинмоқда. Бу йилги мусобақалар эса Фарғонада 27-Апрель куни, Бухорода 1-Май куни куни бўлиб ўтиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, ж-б Президент ўз нутқида кохонанинг асосий мақсад ва кадриятларини, яъни:

- хар бир инсон хавас қилувчи №1 корхона яратиш
- жахон текстиль бозорида етакчи корхонага айланиш
- Ўзбекистонда намунали энг ривожланган корхонага айланишни яна бир таъкидлаб ўтди.


Тадбир давомида Корхона Президенти энг илғор ва самарали меҳнат кўрсатган ходимларни тақдирлади.

"Daewoo Textile" Корхонасининг равнақига 20 йил мобайнида қўшган қимматли хиссаси, шунингдек ўз вазифасига масъулият билан ёндошиб, Корхона ривожланиши йўлида 20 йил давомида кўрсатган ҳолис хизмати учун 18 нафар ходим 1500 000 сўм миқдорида пул мукофоти билан тақдирландилар.

7 нафар илғор ходимлар Президент томонидан Фахрий ёрликлар ва Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб (Тошкент – Самарқанд–Бухоро) саёҳат йўлланмаларини олишди.

Корхона ривожини учун ўз хиссасини қўшган, ўз вазифасини халол ва фидокорона бажарган, меҳнатсевар 26 нафар ходимларни Корхона Президенти Фахрий ёрлик ва 400 000 сўм миқдорида пул мукофоти билан тақдирлади.

Барча корхона ходимларига эса, Корхонанинг 22 йиллиги муносабати билан совғалар – спорт кунига спорт шаим тақдим этилди.





Фахрий ёрлик ва Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга йўлланма билан тақдирланган 7 нафар ходимлар.



Фахрий ёрлик билан тақдирланган 26 нафар ходимлар.



20 йиллик фидокорона хизматлари учун Ташаккурнома билан тақдирланган 18 нафар ходимлар.